

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ахмедов Анвар Тоирович

ИИБ Академияси мустақил изланувчи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10434701>

ARTICLE INFO

Received: 19th December 2023

Accepted: 26th December 2023

Online: 27th December 2023

KEY WORDS

Давлат, бошқарув, Янги Ўзбекистон, тараққиёт, стратегия.

ABSTRACT

Ушбу мақолада давлат бошқаруви усулларида бугунги кундаги ҳолати юзасидан ҳуқуқшунос олимлар фикрлари мулоҳаза қилиниб, муаллиф томонидан таклифлар ишлаб чиқилган.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни тўлиқ ва самарали бажарилишини таъминлаш, шунингдек, давлат бошқаруви фаолиятига танқидий таҳлил асосида берилган баҳодан келиб чиқиб тизимда мавжуд бўлган жиддий камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ички ишлар органлари тизимида туб ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-269-сон, 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ПҚ-447-сон қарорларида қабул қилиниб, давлат бошқаруви соҳасида бир қатор маъмурий ислохотлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди,



давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

«Электрон ҳукумат» тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан ортиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилди¹.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қўшимча бошқарув штат бирликларини киритиш қатъиян тақиқланди.

Давлат бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимлари қисқартирилиб, қуйи ижро этувчи тизимдаги ходимларнинг сони кўпайтирилиши, албатта, ҳар бир соҳанинг халққа яқин бўлиши, унинг дарду ташвишлари билан яшашига замин яратмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини бошқаришда янги замонавий усуллардан фойдаланишни, рағбатлантириш усуллариининг янада кенгроқ қўлланилишини тақозо этмоқда. Шу сабабли мазкур мақолада давлат бошқаруви усуллариининг умумий тавсифи таҳлил қилинмоқда.

Ижтимоий бошқарув жараёни бошқарув субъектининг бошқарув объектига, одамларнинг иродасига мақсадли таъсир ўтказиши орқали амалга оширилади. Ирода деганда, онгнинг инсоннинг мақсадли ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятида намоён бўладиган тартибга солувчи омили тушунилади.

Ирода одамларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, уларни қўйилган мақсадга эришиш томон йўналтиради. Одамларнинг бирлигига эришиш учун, улар иродасининг бирлигига эришиш зарур. Ирода бирлигига мақсадларни ва фаолият тартибини мувофиқлаштириш, бир иродани бошқасига бўйсундириш туфайли эришилади.

Бошқарув субъектининг бошқарув объекти иродасига таъсири ижтимоий бошқарув усуллари деб номланувчи турли йўллар, воситалар орқали амалга оширилади².

Бошқарув усули – бу бошқарув мақсадлари, вазифалари ва функцияларини амалга ошириш йўлидир.

Маълумки, бошқарув жараёнида ижро этувчи органлар ўз олдида турган вазифаларни муайян усуллар орқали амалга оширади. Бошқарув жараёнида ижро этувчи органлар ўз олдида турган вазифаларни бажаришда бошқарилувчи шахсларнинг иродаси ва онгига таъсир кўрсатувчи турли бошқарув усуллардан фойдаланилади³.

Юридик адабиётларда давлат бошқаруви фаолиятидаги усуллар турлича номланган бўлиши мумкин, масалан, “бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш усуллари», «бошқарув фаолияти усуллари, “бошқарув усуллари, «маъмурий-ҳуқуқий

¹ <https://lex.uz/docs/6324756>. Мурожаат қилиш вақти 14.12.2023 йил

² Игнатов В. Повышение эффективности государственной власти и управления — жизненно важная проблема сохранения российской государственностью. — М.: Дело, 2007

³ Маъмурий ҳуқук: Дарслик / Ҳ.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Ҳ.Т. Одилқориев ва Б.Е. Қосимовнинг умумий таҳрири остида.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 175-184 б.



усуллар», «ижро ҳокимиятини амалга ошириш усуллари» каби. Бироқ, бу ибораларнинг мазмуни бир хил яъни, давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситалар ҳисобланади.

Демак, давлат бошқаруви фаолиятидаги усуллар бу – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалардир.

Бошқача айтганда, давлат бошқаруви фаолиятидаги усуллар – ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бошқарилувчи объектлар ва шахсларга маъмурий таъсир кўрсатиш мақсадида, қонунчиликда рухсат этилган доирада қўлланиладиган воситалардир.

Ижтимоий бошқарув усуллари тавсифининг мазмунидан бошқарув усулларига қуйидаги хусусиятлар хослиги келиб чиқади:

улар бошқарув субъектининг бошқарув объекти билан алоқасини ифодалайди;

усул – бошқарув субъектининг бошқарув объектига бошқарув таъсири кўрсатиш воситаси, йўли, яъни бир одамнинг бошқасига, бир жамоанинг бошқасига бир инсоннинг жамоага ёки жамоанинг бир кишига таъсир кўрсатишидир;

усуллар – бошқарув жараёнлари тизимида юз берадиган тартибга солиш, уюштириш, одамларнинг биргаликдаги фаолиятидан кўзланган умумий мақсадларга эришиш йўллари;дир;

бошқарув усуллари бошқарув тизимининг энг ҳаракатчан ва фаол элементи ҳисобланади;

бошқарув усуллари муқобил хусусиятга эга;

давлат бошқарувида улар давлат аппарати сиёсий мақсадларга эришиш учун фойдаланадиган давлат сиёсатининг қуроллари ҳисобланади⁴.

Бошқарув усуллариининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

бошқарув усулидан фойдаланишдан асосий мақсад ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятида давлат бошқарувини таъминлашдан иборат;

бошқарув усуллари бошқарув фаолиятида қўлланилади;

давлат бошқарув субъектлари ўртасида махсус ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради;


бошқарув усуллари қўллаш тартиби асосан ҳуқуқий актларда белгиланади;

давлат бошқарув усуллари бошқарув субъектларининг ваколатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади;

бошқарув усуллариининг қўлланилишини назарда тутувчи ҳар қандай аниқ ҳолатда бошқарув объектининг хусусияти (жисмоний шахс, ташкилот, вертикал бўйсунувнинг мавжудлиги ва ҳоказо.) инобатга олинади⁵.

⁴ Халиков М.И. Система государственного и муниципального управления: учебное пособие. М.: Флинта, 2008. — 448 с

⁵ <http://www.genderi.org/ozbekiston-respublikasi-ichki-ishlar-vazirligi-v2.html?page=55>
Мурожаат қилиш вақти 15.12.2023 йил



Давлат бошқарувининг вазифа ва функцияларининг кўплиги қонунчиликда назарда тутилган бошқарув фаолиятининг турли хил шакллари мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу боис, бошқарув органи мансабдор шахс ўзига юклатилган функцияларни бажаришда амалга оширадиган ҳаракатларининг хусусиятидан келиб чиқиб маълум бир бошқарув шаклига таянган ҳолда муайян бошқарув усулини танлайди.

Юридик адабиётларда давлат бошқарув фаолиятида бошқарув объектларига таъсир кўрсатишнинг икки асосий (универсал): ишонтириш ва мажбурлаш усуллари қайд этилган⁶.

Ишонтириш усули бошқарув объекти бошқарув субъектининг хоҳишини ўз ихтиёри билан бажаришига хизмат қилади. Ишонтириш туфайли бошқарув субъекти ва объекти иродасининг (ихтиёрининг) бирлигига эришилади. Ишонтириш – таъсир кўрсатишнинг шундай усулидирки, у ақл ва ҳис-туйғуларга биргаликда таъсир кўрсатади, нотўғри қарашлар ва муносабатларни ўзгартиради, фанга ёки жамиятнинг ахлоқий талабларига мос келувчи янги қарашлар ва муносабатларни шакллантиради. Ишонтириш усули, аслида, ишонтирувчи ва ишонтирилувчи шахсларнинг фаол ўзаро таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, унда ишонтирувчининг мавқеи устунроқ бўлади

Мажбурлаш бошқарув субъектининг иродасини бошқарилувчининг ихтиёрига ҳилоф тарзда қарор топтиришдан иборат. Бошқарув объекти бошқарув субъектининг иродасини бажармаган тақдирда, унинг иродасини ўзгартириш, уни бошқариш субъектининг иродасига бўйсундириш мақсадида, бошқарув субъекти бошқарув объектининг ахлоқий, мулкӣ, ташкилий, жисмоний соҳасига таъсир кўрсатади. Бошқарувдаги мажбурлов давлатнинг ва жамиятнинг мажбурлов чораларини

⁶ <https://milliycha.uz/davlat-boshqaruvi-usullari/> Мурожаат қилиш вақти 16.12.2023 йил



қўллашда намоён бўлади. Айтайлик, ҳуқуқ нормаларининг бузилиши юридик жавобгарликка сабаб бўлади, жамоат ташкилотининг нормаларидаги талабларнинг бажарилмаслиги эса фақат жамоат таъсири кўрсатилишига олиб келиши мумкин.

Ишонтириш усули ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган бошқарув усулларида кенг тарқалгани ва энг самаралиси ҳисобланади. Бунда меҳнат самарадорлиги, натижадорлик ва сифат юқори бўлиши билан бирга, ходимларнинг ўз ҳаётидан ва меҳнат фаолиятидан рози бўлиб яшашига эришилади. Шу сабабли давлат бошқарувида рағбатлантириш усуллари қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш орқали уларни амалиётга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

References:

1. <https://lex.uz/docs/6324756>. Мурожаат қилиш вақти 14.12.2023 йил
2. Игнатов В. Повышение эффективности государственной власти и управления — жизненно важная проблема сохранения российской государственностью. – М.: Дело, 2007
3. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Ҳ.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Ҳ.Т. Одилқориев ва Б.Е. Қосимовнинг умумий таҳрири остида.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 175-184 б.
4. Халиков М.И. Система государственного и муниципального управления: учебное пособие. М.: Флинта, 2008. — 448 с
5. <http://www.genderi.org/ozbekiston-respublikasi-ichki-ishlar-vazirligi-v2.html?page=55> Мурожаат қилиш вақти 15.12.2023 йил
6. <https://milliycha.uz/davlat-boshqaruvi-usullari/> Мурожаат қилиш вақти 16.12.2023 йил